

АВЕСТОДАГИ МАЪЛУМОТЛАР –“КАТТА ХОРАЗМ” ТАРИХИГА НАЗАР

Носиров Рашод Адилевич,

т.ф.д.профессор

Тошкент давлат транспорт университети,

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7257198>

Annotatsiya

Сўнгги йиллардаги археологик маълумотлар Марказий Осиё илк давлатлар шаклланишининг муҳим муаммоларини ёритилиши, шунингдек, Катта Хоразм давлати ва бу давлатидаги шаҳарлар, битмас туганмас бойликлари бу давлатнинг Бақтрияни Миср ва Бобил каби йирик давлатлар қаторида тилга олиниши, табиий бойликлари ундан ташқари ҳудудда мавжуд бўлганлигига таҳлил қилинган.

Kalit so'zlar: : Катта Хоразм, маданият, тарих, урф-одат, Шаҳар, давлат.

Ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошларида Авестодаги маълумотлар, Герадот ва Гекатей асарлари “Катта Хоразм” шунингдек, Ктесийнинг Қадимги Бақтрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари Марказий Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотчиларимиз илмий хулосаларида бу давлатларнинг шаклланиш жараёни Эрон аҳмонийларигача бўлган даврда, деб ҳисоблайдилар ва уни милoddан аввалги 9-7 асрлар билан боғлайдилар (М.Дункер, В.Томашек, Ф.Алптхайм, С.П.Толстов, М.М.Дьяканов, И.М.Дьяканов, Б.Г.Ғофуров, А.Сагдуллаев ва бошқалар). Юнон олими Герадотнинг маълумотларига қараганда, Марказий Осиёда “Ҳар томони адрлар билан ўралган текисликда қачонлардир хоразмийлар яшаган”. Кўпчилик тадқиқотчилар бу марказни ҳозирги Хоразм ўрнида бўлмасдан, жануброқда, Марв (Туркма нистон) ёки Хирот (Афғонистон)да бўлган - дейишади. Бироқ, мил.авв.

2 минг йилликнинг ўрталарига яқин даврда “Катта Хоразм давлати мавжуд бўлганлигига шубҳ қилмаса бўлади. Сополлитепадаги яна илк давлат уюшмаси Қадимги Бақтрия давлатидир.

Баъзи маълумотларга қараганда, унинг таркибига Сўғд ва Марғиёна ҳам кирган. Юнон муаллифи Ктесий Бақтрия ҳақида қимматли маълумотлар беради. Тарихчи олим Бақтрия давлатидаги кўплаб шаҳарлар, мустаҳкам пойтахт шаҳар Бақтро (Балх), Бақтрия подшоси Оксиарт, унинг битмас туганмас бойликлари ҳақида ҳикоя қилади. Геродот Бақтрияни Миср ва Бобил каби йирик давлатлар қаторида тилга

олади. Бақтриянинг табиий бойликлари ундан ташқари худудда ёки Олд Осиёга қадар ҳам машҳур эди.

Сўнгги 10-15 йил ичида Бақтрия, Сўғдиёна ва Марғиёнадан олинган янги археологик маълумотлар илк давлат уюшмалари пайдо бўлишини янада кенгроқ изоҳлаш имконини яратади. Бу маълумотларга қараганда, илк темир даври Бақтрия, Марғиёна, Хоразм ва Сўғдиёна умумий жамоаларидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оиладан иборат уй жамоалари ташқил этган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Марказий Осиёда илк давлат уюшмалари деҳқончилик, чорвачиликдан ихтисослашган хунармандчиликнинг ажралиши ва шаҳар марказлари шаклланиши асосида пайдо бўлади. Сўнгги йиллардаги археологик маълумотлар Марказий Осиё илк давлатлар шаклланишининг муҳим муаммоларини ёритиш, шунингдек, улар ривожланишининг қуйидаги давларини аниқлаш имкониятини беради: 1). Бронза даври - унчалик катта бўлмаган деҳқончилик воҳалари асосида илк давлат уюшмаларининг шаклланиши. 2). Бронза асрининг темир асрига ўтиш даври (мил.авв. X-VIII-асрлар). этник-маданий ва ғоявий вазиятларининг ўзгариши шароитидаги ҳарбий-сиёсий уюшмалар баъзи вилоятларда бўлиб ўтган кўчиш жараёнлари давридаги ўтроқ манзилгоҳлар сонининг қисқариши ва илгари одамлар яшаган жойларда янги аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши, ҳарбийлар ва ҳарбий бошлиқларнинг ижтимоий қатламларига бўлиниши. 3). Илк темир даври (мил.авв. VII-VI асрлар). Қадимги Бақтрия мисолидаги (айнан Бақтрия, Сўғдиёна ва Марғиёна) йирик давлат уюшмалари пайдо бўлиши. Бундай давлат уюшмалари пайдо бўлишининг тезлашувига ички ижтимоий-иқтисодий сабаблардан ташқари ташқи, омиллар ҳам сабаб бўлган. “Ипак йўли” - Вахш Қоратегин ва Олой водийси орқали Қашқарга, Гарбий йўл Парфиядан Эрон орқали Сурияга олиб борган. Бошқа йўл қуйи Амударё бўйлаб давом этган. “Олтин йўл” Давон (Фарғона) орқали Иссиққўлдан ўтиб Сибирга томон чўзилган. Хиндистондан зираворлар, мушканбарлар, Хитойдан ипак матолар, темир, никел ва мўйна келтирилган.

Шундай қилиб, Марказий Осиёдаги моддий ва маънавий маданиятни шаклланиши ва ривожланишида Ўрта ва яқин Шарқ халқларининг ўзаро таъсири катта бўлган. Демак, тарихимизнинг мана шундай олтин зарварақларини ўрганишимиз аждодлармизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган комил инсонни тарбиялаш

бугунги кун тарихчиларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. -Т.: УМЭ, 2003. - Б.501
 2. Ўзбекистан миллий энциклопедияси. 8 - жилд. - Т.: УМЭ, 2004. - Б. 178- 179.
 3. R Nosirov, G Mamajanova. International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan// European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 2022
 4. РА Носиров, МИ Рахимова, СВ Темирова. Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили. // - инновации в педагогике и психологии, 2022.
 5. N.R Nosirov. The strategic value of education for the development of science and training of promising personnel potential, 2022
 6. R.A Nosirov . Educational Problems in the History of Central Asia// Innovative technologica: methodical research journal, 2021
- N.R Nosirov . Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects// European Journal of Molecular and Clinical Medicine, 2021